

**Хамдам Исмоилов,**  
**ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди**

## **ШЕКСПИР АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Шекспир асарларини ўрганишда таржима феноменининг аҳамияти кўриб чиқилади. Бу соҳада таржима имкониятлари жаҳон дурдоналари бўлган барча асарлардан дунёдаги барча ўқувчилар фойдалана олишлари мумкинлиги ҳақидаги фикр илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** адабиёт, бадий, эстетик, савия, баҳраманд, аслият, таржима, асар.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается такой феномен как перевод, с помощью которого можно ознакомиться с произведениями Шекспира. В этом отношении возможности перевода огромна, потому что мастерски переводимое произведение в любом языке может прозвучать как в оригинале.

**Ключевые слова:** литература, художественный, эстетический, уровень, читаемый, оригинал.

**Annotation:** This article discusses such a phenomenon as translation, with the help of which you can get acquainted with the works of Shakespeare. In this regard, the possibilities of translation are enormous, because a masterfully translated work in any language can sound like the original.

**Key words:** literature, artistic, aesthetic, level, readable, original.

Қадимдан таржиманинг улкан сиёсий-ижтимоий, бадий-эстетик аҳамиятини мавжуд эканлиги таъкидлаб келинади. Уларда, хусусан, адабиётида муайян даврда диққатга арзигулик, юксак бадий маҳорат билан яратилган муносиб асарлар кам

экан, бўлмағур, бачкана “оригинал” китоблар билан ҳамма ёқни тўлдиргандан кўра, хорижий адабиётлардан чинакам юқори бадий савияда бунёд қилинган асарларни таржима қилиш афзал эканлиги таъкидланади. Миллий адабиётда маълум сабаблар оқибатида вақтинчалик турғунлик ҳолати юз берганда, унда таржима даври бошланиши керак. Чунки таржима қилинган асарлар туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб, улардан лаззатланибгина қолмасдан, таржима асарлари эстетик туйғуни ўстиради, дидни табиялайди ва чинакам нафис нарса тўғрисида ҳаққоний тушунча пайдо қилади. Шунингдек, таржима қиёслаш мезонидир. У аслият адабиёти билан таржима асарларини чоғиштиришга, шу тариқа ватан адабиётининг маълум даврда қандай тараққиёт босқичида турганлигини аниқлашга ёрдам беради. Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, тилнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаради, унга сайқал беради.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, бўлак тиллардан таржима қилиш учун ватан адабиёти муқаррар турғунликка юз тутган бўлиши керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Таржима қилиш учун ватан адабиётининг инқирозга юз тутишини “кутиб” туриш шарт эмас. Таржима ҳар бир миллий маданият учун доимий эҳтиёждир. Хусусан, турли-туман, каттаю кичик тиллардан таржима алоҳида маъно ва мазмун касб этади. Бизнинг адабиётимиз ҳамма вақт гуманистик ғояларни тарғиб этиб келди. Бундай ғояларнинг тобора мустаҳкамланишида эса таржиманинг аҳамияти беқиёс.

Таржима муносабатлари шундай воситадирки, бунда икки томонлама манфаат юзага келади. Бир тарафдан, кам сонли, кичик халқларнинг адабиётларида барпо этилган бадий сўз дурдоналари бошқа тилга кўчириши билан улкан амалий ва потенциал имкониятлар пайдо бўлади. Улар миллионлаб китобхонларга тақдим қилинади ва шу тил орқали яна ўнлаб тилларга таржима қилиниш имконияти туғилади.

Бадий таржималар туфайли миллий адабиётлар ўртасида боғланган алоқаларнинг маҳсули ўлароқ, янги ғоявий йўналишлар, янгича сюжет, жанр,

янги образлар туғилади. Чунончи, “Минг бир кеча”, “Рамаёна”, “Калила ва Димна”, “Қобуснома”, “Бобурнома”, Умар Хайём рубоийлари, Ҳофиз Ғазаллари, Алишер Навоий дostonлари, Робиндранат Тагор романлари сингари юзлаб асарларнинг ғарб тилларига қилинган сон-саноксиз таржималари туфайли қитъа халқларининг ижтимоий-маданий ва адабий-эстетик ҳаётида туғилган янгича тасаввурлар, карашлар, тушунчалар, образларни тадқиқ қилиш ҳамон таржимашунослик олдида турган муҳим муаммолардан биридир. Аини вақтда, Ғарбий Европа адабиёти асарларининг шарқ халқлари тилларига қилинган сон-саноксиз таржималари туфайли юз берган катта сифат ўзгаришлари ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдирки, бу ҳам янада чуқурроқ ўрганилиши лозим бўлган муҳим масала ҳисобланади.

Таржима ва тақлид, таржима-таъсир-таржима масалаларининг мундарижаси ўрганилаётган объект, давр, тиллар, жанр ҳамда адабий регионга қараб, ғоятда хилма-хил ва мураккабдир.

Хусусан “Ҳамлет” трагедиясининг инглизча асл нусхаси, русча таржимаси ва ўзбекча таржималарини қиёслаб шундай хулосаларга келиш мумкин: яъни русча таржимасида жўшқин шеърий ифода ва оташин ҳиссиёт билан суғорилган бош қаҳрамон образи сусайтириб берилган, ўзбекча таржима бўлса, асарнинг асл инглизча нусхасига мувофиқ келади; ўзбекча таржимада русча матннинг зидди ўлароқ, фожианинг умумий жарангосини кўтариш, тантанавор мақомда жаранглаган шеърий образларни сақлашга интилиш майли сезилиб туради; Шекспир луғатида юксак поэзия унсурлари учрайди, русча таржимада эса улар четлаб ўтилади, М.Шайхзода бу масалада ҳам инглизча нусхага қараб “андоза олган”. Хуллас, ўзбек таржимонининг шоирлик меҳнати, ўз ишига ижобий муносабатда бўлиши ва инглиз тилини бирмунча билиши туфайли, рус таржимадаги айрим нуқсонларни ўз таржимасида тузата олган ва ўзбек тилида Ҳамлет монологининг худди асил инглизча нусхага муқобил тарзда ҳамоҳанг жаранглашига эришган.

Ана шундай юбксак саъвияли таржималар туфайли Вильям Шекспирнинг ҳаётбахш таъсирини Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Туроб Тўла сингари жуда кўплаб ўзбек адибларининг ижодида кўриш мумкин.

Вильям Шекспирнинг ўзбек адиблари ижодига таъсири даставвал тарихий мавзуларга мурожаат этишда ўз ифодасини топади. Халқларнинг ўтмиш тарихига мурожаат қилиш, унинг тараққийпарвар, миллий озодлик ғоялари билан суғорилган саҳифаларини ёритиш, ундаги шарфли ва машъум воқеаларни илғор реалистик мавқедан туриб бадиий талқин этиш, буюк тарихий шахслар фаолиятини чинакам санъаткорона, ҳаққоний бадиий умумлаштириш тарихга қайтиш, уни тирилтириш, идеаллаштиришни англатмайди. Аксинча, бу тарихни замонга хизмат қилдириш намунасидир.

Таъсир ёзувчига илгаридан ўзи ўйлаб юрган муддаонинг режалаштирилишига бир туртки, ишора демак ёки янги фикр, янги ғоянинг туғилишига доялик қилади, сабабият туғдиради.

Маълумки, “Мирзо Улуғбек” фожеавий асарини яратиш мақсади, шубҳасиз, Шайхзодада тўсатдан, фавқулудда пайдо бўлмаган ёки Шекспирнинг муайян бир асарини - бу хоҳ “Ромео ва Жульетта” бўлсин, хоҳ “Ҳамлет” бўлсин - таржима қилиш натижасидагина туғилган эмас. Бу кенг маънода Шекспир ижодини синчиклаб ўрганиш, Шекспир анъаналарини ижодий ўзлаштириш ва уларни янги давр адабиёти тажрибаси ва талаблари асосида адабий-эстетик амалиётга татбиқ этиш, бу анъаналарни давом эттириш ва янги шароитда, янги материал асосида ривожлантиришга уринишдан иборатки, бундай шарафли вазифани Мақсуд Шайхзода шараф билан бажарди.

Зотан, буюк Шекспир тажрибаси ўзбек адабий муҳитига татбиқ этишга имкон туғдирадиган ғоят мақбул материалга эга эди. Ўзининг даҳшатини ижтимоий маъноси, фожиавийлиги, кескин тарихий тўқнашувларга сероблиги, жаҳоншумул илғор илмий қараш билан диний фанатизм, хурофот ва бидъатнинг

тўқнашувига доир Мовароуннаҳрда кечмиш мусибатли воқеалар маълум эдики, мазкур воқеий кечмишлар шекспирона адабий мактаб татбиқи учун “тайёр” заминни ташкил этарди. Бу – Мирзо Улуғбек воқеаси эди. Бунда “Юлий Цезарь”да тасвирланган шоҳ билан халқнинг тўқнашуви ва омманинг алданиш ҳодисаси ҳам, “Ҳамлет”да тасвирланган она билан ўғил ўртасидаги қарама-қаршилик ва уларнинг тўқнашуви ҳам, илғор гуманистик ғоялар билан хурофот, жаҳолат ва худбинликнинг муросасиз тўқнашуви ҳам, қирол (султон)нинг қатл этилиши ҳам, “Қирол Лир”даги фарзандларнинг ўз падари бузрукворига қарши бориши ҳам – буларнинг барчаси тўла-тўқис муҳайё эди. Бу қисқагина мисоллардан бадиий таржиманинг адабий алоқалар, таъсир кабиларнинг кенгайишидаги аҳамиятини англаб олиш мумкин.

Юқорилардан кўринадикки, бадиий таржима масаласи ниҳоятда теран масаладир. Уни маълум маънода бўлса ҳам идрок этиш умуминсоний ғояларни, муаммоларни тўғри тушунишга олиб келади. Айниқса, жаҳон адабиёти вакилларининг ижодини ўрганиш, улар ҳақида мулоҳаза юритишда бадиий таржиманинг ўрни беқиёс эканлиги бугунги кунда сир эмас.

#### Адабиётлар:

1. Саломов Ғ.Т. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1974.
2. Саломов Ғ.Т. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1976.
3. Саломов Ғ.Т. Таржимашунослик назариясига кириш. –Т., 1969.
4. Фёдоров А.В. Основи теории перевода. – М.: Наука, 1956.